**Rano SADIKOVA**
*INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN, doctor of philosophy PhD in economics, Associate professor of the department "The Islamic Economy and finances, pilgrimage tourism". Sodiqovarano@iiau.uz 11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.*

# ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕСДА РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

# ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ КОНКУРЕНТНОЙ СРЕДЫ В МАЛОМ БИЗНЕСЕ В УСЛОВИЯХ РАЗВИТИЯ ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ

# FEATURES OF FORMATION OF THE COMPETITIVE ENVIRONMENT IN SMALL BUSINESS IN THE CONDITIONS OF DEVELOPMENT OF INNOVATIVE ECONOMY

**Калит сўзлар:** *кичик бизнес, тадбиркорлик, инновация, модернизация, рақобатбардошлик, рақобат, ривожлантириш стратегияси, инвестициялар, венчур фондлар.*

**Ключевые слова:** *Малый бизнес, предпринимательство, инновация, модернизация, конкурентоспособность, конкуренция, стратегия развития, инвестиции, венчурные фонды.*

**Keywords:** *Small business, entrepreneurship, innovation, modernization, competitiveness, competition, development strategy, investments, venture funds.*

**Кириш.** Мавжуд ижтимоий-иқтисодий ўсиш захираларидан тўлиқ фойдаланиш, Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш миллий хўжаликда рақобат муҳитини шакллантиришни фаоллаштириш зарурлигини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг янада ривожланиши кичик бизнес субъектлари тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бунда кичик бизнес иқтисодиётнинг алоҳида секторлари, аҳолининг турли гуруҳлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг муҳим воситасига айланиб бормоқда. Республикада юзага келган иқтисодий вазият иқтисодий ўсиш ва миллий фаровонликнинг ошишини таъминлашга қодир бўлган муҳим стратегик ресурсни ўзида намоён этувчи кичик бизнеснинг роли кескин ошиб бораётганлигидан далолат

Бозор иқтисодиётида кичик бизнес иқтисодий ўсиш суръатларини, ялпи миллий маҳсулотнинг таркиби ва сифатини белгилаб берувчи етакчи сектор ҳисобланади. Республикадаги кичик бизнес корхоналарининг ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасини ривожлантириш ва кенгайтириш пировард натижада аҳолининг иш билан таъминланишининг ўсишига ва умуман мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига олиб келади.

Республикамиз миллий иқтисодиётида кичик бизнеснинг ролини янада ошириш ва иқтисодий ўсишдаги иштирокини янада такомиллаштириш кўп жиҳатдан ушбу соҳада рақобат муҳитининг ҳолатига боғлиқ. Бу эса тадбиркорлик тузилмалари фаолият кўрсатиши учун тенг рақобат шароитларининг яратилиши, солиқ тизимининг такомиллашуви, молиявий муаммолар ва маъмурий тўсиқларнинг бартараф этилишига боғлиқ.

Шунга кўра, ҳозирги шароитда кичик бизнесда рақобат муҳитини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар йиғиндисини аниқлаш, рақобат муҳитининг мукаммаллиги даражасини баҳолаш, рақобат муҳитининг ҳолати ва унинг Ўзбекистонда кичик бизнеснинг самарали фаолият кўрсатишига таъсирини аниқлаш муаммолари долзарб аҳамият касб этади.

Ўрганилган мавзу ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг устувор йўналишларига мувофиқдир. Шунингдек, мақолада қўйилган мақсад ва вазифалар инновацион иқтисодиётни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичи талабларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган. Тадқиқ қилинган мавзуда инновацион иқтисодиётни ривожлантириш шароитида кичик бизнесда рақобат муҳитини шакллантириш хусусиятлари бўйича илмий асосланган таклифлар берилган.

В рыночной экономике малый бизнес является ведущим сектором, определяющим темпы экономического роста, состав и качество валового национального продукта. Развитие и расширение сферы производства и услуг предприятий малого бизнеса в республике в конечном итоге приведет к росту занятости населения и развитию экономики страны в целом.

Дальнейшее повышение роли малого бизнеса в национальной экономике и дальнейшее совершенствование его участия в экономическом росте во многом зависит от состояния конкурентной среды в этой сфере. Это связано с созданием равных конкурентных условий для функционирования предпринимательских структур, совершенствованием налоговой системы, устранением финансовых проблем и административных барьеров.

Соответственно, в нынешних условиях актуальное значение приобретают проблемы определения совокупности факторов, влияющих на формирование конкурентной среды в малом бизнесе, оценки уровня совершенства конкурентной среды, состояния конкурентной среды и ее влияния на эффективное функционирование малого бизнеса в Узбекистане.

Исследованная тема соответствует приоритетным направлениям в социально-экономической сфере. Также поставленные в статье цели и задачи, определены исходя из требований современного этапа развития инновационной экономики. На изученную тему даны научно-обоснованные предложения по особенностям формирования конкурентной среды в малом бизнесе в условиях развития инновационной экономики.

In a market economy, small business is the leading sector that determines the rate of economic growth, the composition and quality of the gross national product. The development and expansion of the sphere of production and services of small businesses in the Republic will eventually lead to an increase in employment and the development of the country's economy as a whole.

Further enhancement of the role of small business in the national economy and further improvement of its participation in economic growth largely depends on the state of the competitive environment in this area. It is connected with creation of equal competitive conditions for functioning of business structures, improvement of tax system, elimination of financial problems and administrative barriers.

Accordingly, in the current conditions, the problems of determining the totality of factors affecting the formation of a competitive environment in small business, assessing the level of perfection of the competitive environment, the state of the competitive environment and its impact on the effective functioning of small business in Uzbekistan are of urgent importance.

The studied topic corresponds to the priority directions in the socio-economic sphere. Also, the goals and objectives set in the article are determined based on the requirements of the modern stage of development of the innovative economy. On the studied topic, scientifically grounded proposals on the peculiarities of the formation of a competitive environment in small business in the conditions of development of innovative economy are given.

бериб турибди. Президентимиз Ш.Мирзиёев тадбиркорликда янги инновацион технологияларни кенг жорий этиш ҳамда иқтисодиётдаги ўрнини алоҳида таъкидлаб, шундай деди: "Шу ўринда фаол тадбиркорлик деган тушунчага қисқача тўхталиб ўтиш зарур. Фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий йўналишдир. Фаол тадбиркорлик деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз. Бундай тадбиркорлик сафини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ҳамда жорий этиш учун уларга муно-

сиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт. Керак бўлса, хориждаги етакчи компания ва ташкилотларда тажриба орттириши, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиши учун уларга ҳар томонлама имконият туғдириб беришимиз лозим”[1].

**Долзарблиги.** Республикада амалга оширилаётган институционал ўзгаришлар жараёнида кичик бизнес соҳасида маълум даражада баъзи қийинчиликларни енгиб ўтмоқда, шунинг учун унинг функционал ролини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг ошишига олиб келади ва Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга кичик бизнес соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари долзарб ҳисобланади. Рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ушбу соҳадаги тадқиқотларни илмий жиҳатдан таъминлаш заруратини белгилаб беради. Бунда республикамизда кичик бизнес бутун иқтисодиёт соҳасида рақобат муносабатларини ривожлантириш билан боғлиқлиги тўғрисидаги концепцияга асосланувчи кичик бизнесни давлат йўли билан тартибга солиш механизмининг концептуал асосларидан келиб чиқиш лозим.

Кичик бизнес соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш фрагментар хусусиятга эга бўлиб, улар рақобат муҳитини шакллантириш ва тартибга солишнинг қатор муҳим назарий ва амалий жиҳатларини қамраб олмайди, бу ўз навбатида ушбу йўналишни энг истиқболли йўналишлардан бири сифатида белгилаб беради ва уни ҳар томонлама ўрганиб чиқиш зарурлигини таъкидлаган ҳолда танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини тасдиқлайди.

**Қўлланилган усуллар.** Таҳлил жараёнида кичик бизнес соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш жараёнларининг асосий тенденцияларини таҳлил қилиш имконини берувчи статистик усуллар, тизимли ва қиёсий таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилди.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Тадбиркорлик ва кичик бизнес назариясининг асосий жиҳатлари Ж.Бодо, М. Вебер, Ж. К. Гэлбрейт, Х. Кен, Р. Кантильон, Я.Корнаи, А.Маршалл, Д. Норт, В. Ойкен, М. Портер, П.Самуэльсон, Й.Шумпетер, Р. Хизрич, П. Бекли, Д. Бэннок, Р. Бэрроуз, П. Гэнгъюли, Д. Крэн, Д. Ньюболд, Д. Рассел, Д. Торуэлл каби чет эл иқтисодчи олимларининг ишларида баён этилган.

Кичик бизнесни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари МДҲ мамлакатлари олимларининг тадқиқотларида ўз аксини топган, шу жумладан Ш.Агеев, Г. Азоев, А.Бусигин, А.Блинов, Е.Бухвальд, А.Виленский, О.Емельянов, С. Мазоль, В.Мальгин, С.Мокичев, А.Орлов, М.Попов, В.Радаев, В.Рубе, Ю.Старостин, Ю.Таранух, В.Фадеев, Ф.Шамхалов, А.Шулус, О.Шестоперов, А.Чепуренколарнинг илмий ишларини таъкидлаш мумкин.

Рақобат муҳитини шакллантириш ва тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари билан шуғулланувчи мамлакатимиз иқтисодчи олимлари ичида И.И.Искандаров, А.Х.Ҳикматов, А.Ф.Расулев, Н.М. Махмудов, Г.К.Саидова, М.Л. Турсунходжаев, И.С. Тухлиев, Р.М.Ғайбуллаев, В.В.Батурина, О.Ш.Исмоилов, К.К. Исмаилов, Д.В.Тростянский, М.Эшов, Г.П.Ғуломова ва бошқаларнинг ишларини ажратиш мумкин. Умуман олганда улар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар мамлакатимиз иқтисодиётида рақобат муҳитини шакллантиришнинг бир қатор назарий ва методологик жиҳатларини ишлаб чиқишга кўмаклашди.

**Натижалар ва уларнинг таҳлили.**

Ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланиши асосида товар ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий жиҳатдан алоҳида ажратилиши натижасида шаклланган хўжалик юритишнинг бозор тизими ўзининг муҳим белгиси - рақобат ва шу асосда ривожланувчи рақобат муносабатларига эга. Иккинчи томондан, бозор тизими рақобат муносабатлари тизимини шакллантириш туфайли янада ривожланади. Бошқача айтганда, тартибга солишнинг бозор механизмлари асосида рақобат иқтисодиёт фаолият кўрсатишининг зарур шарти ҳисобланади.

Рақобат муносабатларининг хусусияти бир қатор омилларга боғлиқ: мулкчилик шакллари, институционал муҳит, бозор инфратузилмасининг ривожланиши, хўжалик юритувчи субъектлар ташкилий шаклларининг хилма-хиллиги, кириш ва чиқиш тўсиқларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, иқтисодий ахборотдан фойдаланиш имконияти ва ҳ.к.

Ўтказилган таҳлил жараёнида шу нарса аниқландики, рақобат ва тадбиркорликнинг ўзаро боғлиқлиги ўзаро ҳамкорликнинг мураккаб хусусиятига эга. Бир томондан, рақобат тадбиркорлик тузилмалари шаклларининг ҳар хил бўлишини белгилаб беради, бу рақобатнинг фаоллик даражасини сақлаб туришга кўмаклашади. Иккинчи томондан, тадбиркорликнинг ўсиши рақобатнинг ва унинг шакл ва услубларининг ривожланишига олиб келади.

Таъкидлаш лозимки, кичик бизнес соҳасида рақобат ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у тадбиркорларни ўзининг бутун шижоати ва қобилиятини бозорда ўз мавқеини сақлаб қолиш ҳамда мустаҳкамлаш учун сарфлашга ундайди. Кичик бизнес субъектларининг манфаатлари бир-бирига зид келган тақдирда, уларнинг ҳар бири янада фойдали ва барқарор мавқени таъминлаш мақсадида ўзининг рақобат жиҳатдан устунлигини амалга оширишга интилади. Бозорда ҳар бир кичик корхона мустақил хўжалик юритувчи бирлик сифатида уларга таъсир кўрсатган ҳолда ўзининг рақобат жиҳатдан устунлигини турли даражадаги фаоллик билан бошқариш мумкин бўлган ташқи ва ички омилларни белгилаб олади.

Кичик бизнес бозор иқтисодиётининг йирик бизнеси олдида қатор рақобат устунликларига эга, хусусан кичик бизнеснинг мослашувчанлиги ва ихчамлиги замонавий бизнеснинг асосий белгиси ҳисобланади. Бундан ташқари, кичик фирмалар истеъмолчи эҳтиёжларининг ўзгаришига корпорацияларга қараганда тезроқ мослашади, яъни товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарувчилари билан унинг мижозлари ўртасидаги масофа қисқаради, бу замонавий бизнес шароитида муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш лозимки, кичик бизнес рақобатбардошлик соҳасида нафақат кучли, балки заиф томонларга ҳам эга. Унинг заифлиги, биринчи галда, шундан иборатки, молиявий маблағлар етишмаган тақдирда кичик корхоналар ўз фаолиятини амалга ошириш учун қарз сармоясини янада фаолроқ жалб этишга мажбур бўлади.

Кичик бизнес миллий иқтисодиёт тузилишининг энг ихчам унсури ҳисобланади. Бозор иқтисодиётига эга ривожланган йирик мамлакатларда ҳар йили 200-300 мингтага яқин кичик корхона ташкил этилади. Бироқ ҳар йили тахминан худди шунча кичик фирма банкрот бўлади. Инқироз даврида банкрот бўлган корхоналарнинг сони ташкил этилган корхоналар сонидан ошиб кетади, бозор конъюктураси қулай бўлган йилларда эса тескари ҳолат кузатилади. Сўнгги йилларда кичик корхоналар фаолият кўрсатиш даврининг қисқариши кузатилмоқда [2].

Бозор иқтисодиётида кичик бизнеснинг макроиқтисодий ва ижтимоий роли жуда юқори. Биринчи галда бу шуни англатадики, кичик бизнес меҳнат бозорида қўшимча иш ўринларини яратади. Бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда кичик корхоналар улушига мамлакатнинг барча банд бўлган ишчи кучининг 60-70 фоизи тўғри келади. Бундан ташқари, у бандликни сақлаб туришда, яъни ишчи кучига бўлган талаб билан унинг таклифи ўртасидаги мувозанат жараёнларида ҳам муҳим рол ўйнайди. Йирик корпорацияларда ишлаб чиқаришни рационаллаштириш жараёни кечаётганда, компаниянинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида минглаб ходим ва мутахассислар ишдан бўшатилган вақтда кичик бизнес шу тариқа бўшаб қолган меҳнат ресурсларини ўзига жалб қилади. Шуниси аҳамиятлики, бу ҳол нафақат бозор конъюнктураси қулай бўлган даврда, балки инқироз ва иқтисодиётдаги турғунлик йилларида ҳам кузатилади [3].

Бандликни қўллаб-қувватлаган ҳолда кичик бизнес ўта муҳим бўлган ижтимоий ролни бажаради – бу рол жамиятда нисбатан барқарор ижтимоий вазиятни юзага келтиришдан иборат. Бундан ташқари, айнан миллий иқтисодиётнинг ушбу секторида аҳолининг «ўрта синфи» шаклланади. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ўрта синф вакилларининг сони қанчалик даражада кўп бўлгани сари, бутун жамият шунчалик барқарорлашган бўлади.

Кичик бизнеснинг фан-техника тараққиётига, хусусан, инновация жараёнларига ҳам қўшган улуши беқиёс. Табиийки, кичик корхоналар улушига илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари (ИТТКИ) учун сарфланган молиявий маблағларнинг анча кичик ҳажми тўғри келади [4].

Муболағасиз, кичик бизнес субъектларининг рақобатбардошлиги, биринчи галда, айни пайтда корхона ихтиёрида мавжуд бўлган моддий, меҳнат, ахборот ва бошқа ресурсларнинг йиғиндисини ўзида намоён этувчи ресурс салоҳияти ҳамда ўзининг бозордаги мавқеини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш мақсадида улардан амалда фойдаланиш имконияти билан таъминланади. Иқтисодиётнинг мазкур секторида рақобат муносабатларининг ўзига хос хусусияти ана шундан иборат.

Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, давлат ва ҳудудий тузилмалар томонидан қўллаб-қувватлаш кичик бизнес соҳасида тадбиркорлик субъектларининг рақобат жиҳатдан устунлигини оширувчи ҳал қилувчи ташқи омил ҳисобланади. Бундай қўллаб-қувватлашнинг шакллари турлича бўлиши мумкин – бу рақобатчиларга маъмурий таъсир этиш (текширувлар, жарималар, расмийлаштириш тартиботларини чўзиш ва б.), тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш (буюртмаларни лоббирлаш (тарафкашлик), ижара чоғидаги имтиёзлар, молиявий қўллаб-қувватлаш ва б.), ер участкаларини ажратиш, ерга, кўчмас мулк объектларига нисбатан мулкчилик ҳуқуқларини расмийлаштириш билан боғлиқ масалаларни тезкор ҳал этиш ва ҳ.к.

Кичик бизнес субъектининг рақобатбардошлиги модели кўриб чиқилаётган вақт давомида унга зарур бўлган рақобат жиҳатдан устунликлар

ва ушбу устунликларни бошқариш стратегиясининг йиғиндисини ўзида намоён этади. Субъектнинг рақобат жиҳатдан устунликларини бошқариш жараёнининг мақсади – унинг рақобат жиҳатдан устунликларини ҳосил қилиш, амалга ошириш ва ўзгарувчан ташқи вазиятлар ҳамда ички омилларни ҳисобга олган ҳолда субъектнинг узоқ муддатли ёки стратегик рақобатбардошлигига эришишдан иборат.

Бозор шароитида рақобат муносабатларининг моҳиятини кўриб чиқиш жараёнида шу нарса аниқландики, кичик тадбиркорлик тузилмаларининг рақобат стратегиялари пировардида тадбиркорлик фаолияти субъектларининг рақобатбардошлигини белгилаб берувчи қатор объектив ва субъектив омиллар таъсири остида шаклланади. Кичик тадбиркорлик тузилмаларининг рақобатбардошлиги қуйидаги омилларга боғлиқ (1-расм): ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлиги, бошқарув тизими, маҳсулот сифати, молиявий ҳолати, маҳсулот сотиш тизими, давлат тарафидан берилувчи имтиёзлар тизими, мотивацион таркибий қисм [5].




**1-расм. Кичик бизнес соҳасида рақобатбардошликни ташкил этувчилари**

Манба: Муаллиф томонидан тузилган

Кичик тадбиркорлик тузилмаларида рақобат стратегияларининг шаклланиши жараёнини тадқиқ этиш шуни аниқлаб бердики, рақобатбардош стратегияни ишлаб чиқиш билан кўплаб корхоналар ўз тармоғида хусусий рақобат салоҳиятидан фойдаланишга нисбатан якка тартибда ёндашувни белгилаб олишга интилади. Бундай ёндашув узоқ вақтга мўлжалланган бўлиши ва энг муҳими фойда келтириши лозим [5].

Таъкидлаш лозимки, кичик бизнеснинг барқарор ривожланишини таъминлаш кўп жиҳатдан рақобат муҳитининг вужудга келишига боғлиқ. Давлатнинг кўмаги остида қўллаб-қувватлаш ва бозорга мослаштириш шароитида таркибий сиёсатнинг устувор йўналишларини аниқлаш, аҳолининг тўлов қобилиятига эга бўлган талабини қондириш чора-тадбирларининг амалга оширилиши, миллий экспорт дастурининг такомиллаштирилиши айнан иқтисодий барқарорликни таъминлаган ҳолда, самарали рақобат сиёсатини амалга ошириб, мамлакат товар ишлаб чиқарувчиларининг рақобатбардошлигини ривожлантиради.

Тадқиқот жараёнида “рақобат муҳити” тушунчаси бўйича бир қатор етук олимларнинг илмий қарашлари билан танишдик. Жумладан, М.Портернинг фикрича, рақобат муҳити тушунчаси рақобатни ривожлантириш ҳолатини тавсифлайдиган унинг сифат ва сон кўрсаткичларининг йиғиндиси ҳисобланади [6]. Рақобат муҳитига биринчилардан бўлиб таъриф берган Г.Л.Азоевнинг фикрича рақобат муҳити – бу барча бозор субъектларининг рақобат интенсивлигини белгилайдиган рақобат курашидаги муносабатлардир, дейди [7]. Д.Хейнг ва Ж.Граймнинг фикрига кўра, “рақобат муҳити” тушунчасининг мазмуни бозорнинг рақобатбардошлиги даражасини тавсифловчи таркибий ва хатти-ҳаракат кўрсаткичлари билан аниқланадиган шарт-шароитлар йиғиндиси орқали очиб берилади [8].

“Рақобат муҳити” тушунчасининг умумий қабул қилинган атамаси ҳозирча мавжуд эмас, шунинг учун деярли ҳар бир тадқиқотчи ўзининг тушунчалар тизимидан фойдаланади. Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, биз рақобат муҳити тушунчасини талқин этишга нисбатан барча ёндашувларни ҳисобга олувчи ва тизимлилик ва комплекслик талабларига жавоб берувчи ўз таърифимизни киритдик. Тармоқнинг рақобат муҳити – бу бозор муҳитининг бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчилари фаолият юритадиган шарт-шароитлар ва уларнинг маълум вақт мобайнида сармояни энг яхши сарфлаш учун рақобатчилик борасида юзага келган муносабатлари йиғиндисини ўзида намоён этувчи нисбатан мустақил қисми ҳисобланади.

«Рақобат муҳити» атамаси илмий адабиётда деярли ҳамма вақт “бозор” сўзи замирида ва жуда кам ҳолларда “тармоқ” атамасининг таърифи сифатида тилга олинади. Ушбу тушунчалар ўзаро боғланган бўлиб, ўзаро мавжуд бўлиш учун объектив омил ҳисобланади, тармоқнинг рақобат муҳити эса нафақат ишлаб чиқарувчилар ўртасида кучларни жойлаштириш хусусияти сифатида, балки унга етказиб берувчилар, харидорларнинг таъсири натижасида юзага келади. Бундан келиб чиқадики, тар-

моқ бозорининг рақобат муҳити – бу унда ўзига хос ёки ўз таркибига кўра яқин бўлган маҳсулотни, уни ишлаб чиқариш учун хом ашёни таклиф этувчи ёки харид қилувчи ва маълум вақт мобайнида сармояни энг яхши сарфлаш учун мусобақалашувчи хўжалик субъектлари фаолият кўрсатиши шарт-шароитлари йиғиндиси ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, рақобат муҳити – рақобат курашининг муайян иштирокчилари таъсир кўрсатадиган вақт тушунчаси бўлиб, кучларни жойлаштириш ва улар ўзаро ҳамкорлигининг хусусияти рақобатнинг интенсивлигини белгилаб беради. Рақобат муҳитининг ривожланиши ҳақида тармоқ бозорида таклифларнинг жамланиши даражасига ёки тармоқда ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви даражасига қараб фикр юритилади.

Иқтисодиёт соҳасида юзага келадиган турли хилдаги рақобат муносабатларини шартли равишда учта агрегат даражасига бўлиш мумкин: микродаража (маҳсулот, ишлаб чиқаришнинг муайян турлари); мезодаража (тармоқлар, корхоналар гуруҳлари); макродаража (умуман иқтисодиёт). Бунда микро- ва мезодаража ҳам миллий, ҳам халқаро кўламга эга бўлиши мумкин. Шу муносабат билан биз тадқиқот мақсадларидан келиб чиқиб, “даража” тушунчасини киритишни ва рақобат кўламининг белгиси бўйича учта даражани ажратишни таклиф қиламиз: микродаража (корхонанинг рақобат муҳити); мезодаража (миллий даражада тармоқ ичидаги рақобат муҳити); макродаража (жаҳон даражасида тармоқларнинг халқаро рақобат муҳити).

Рақобат муҳитининг юқорида кўриб чиқилган агрегат шарт-шароитларини ажратиш кейинги тадқиқотлар учун муҳим ва зарур ҳисобланади, чунки у рақобат муносабатларини белгилаб берувчи омиллар ва воситаларни таркиблаш имконини беради: микродаража омиллари ва воситалари (бозор улуши); мезодаража омиллари ва воситалари (тармоқда рақобатнинг интенсивлиги); макродаража омиллари ва воситалари (иқтисодиётда рақобатнинг умумий ҳолатини акс эттиради).

Шу нарса аниқландики, рақобат муҳити икки хилда бўлиши мумкин: қулай ва ноқулай. Қулай рақобат муҳити хўжалик юритувчи субъектлар учун мусобақалашишнинг тенг шароитлари ва имкониятлари билан тавсифланади, унда енгилган томон кучлироқ томонга ўз ўрнини бўшатиб беради, кучли томон эса ноқонуний рақобат усулларини қўлламайди. У хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларини, ташаббусларини, омилкорлигини рағбатлантиради. Ўз навбатида, юқорида баён этилган талабларни қондирмайдиган рақобат муҳити ноқулай ҳисобланади.

Юқорида айтилганларга яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантиришнинг бошланғич даврларида кичик бизнес субъектлари сонини оширишга интилиш билан шартланган соддалаштирилган ёндашув устунлик қилди. Давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш фақатгина корхоналар тармоғини барпо этиш билан чегараланди. Ушбу босқичда кичик бизнес ўз атрофида ўзининг ривожланиши учун мос институционал ўзгаришларни талаб қилган.

**Хулоса.** Кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий вазифалари тадбиркорларга тенг рақобат шароитларини яратиш, кичик ва йирик корхоналар ўртасидаги хўжалик имкониятлари шароитидаги узилишларни камайтириш, миллий иқтисодиётдаги бозор муносабатларини шакллантириш жараёнларида кичик ва йирик бизнеснинг мақбул нисбатини таъминлашдан иборат.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, ҳукуматнинг иқтисодиётга фаол аралашуви иқтисодий ўсишнинг бошланиши даврида унга тўсқинлик қилувчи шаклланмаган институционал муҳит шароитидаги камчиликларгагина барҳам бериши мумкин [9].

Давлатнинг мамлакат ва хусусий секторнинг рақобатбардошлиги даражасига салбий таъсири давлат мулкининг самарасиз бошқарилишида, норақобатбардош тармоқлар ва ишлаб чиқаришларга нисбатан кучли протекционизмда, бу айниқса бизнесни йўлга қўйишнинг янги соҳаларига инвестициялар киритишга, хусусий мулкни ҳимоялаш тизимини такомиллаштиришга, эски тармоқларни модернизация қилишга, тенг рақобат шароитларини яратишга тўсқинлик қилади.

Шундай қилиб, аҳолининг энг юқори иқтисодий фаровонлигига улар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар ва хизматлари билан бозорда эркин рақобатлаша оладиган имкониятга эга бўлган тақдирдагина эришилади. Ушбу тушунча монополияга қарши сиёсатни ташкил қилувчи чора-тадбирлар тизимининг асоси бўлиши лозим.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi 22.12.2017 y.
2. North D. Economic Performance through Time. - American Economic Review, 1994, vol. 84, No 3
3. Dashkevich O. Biznes-sreda i predprinimatelskaya aktivnost.// Institut privatizatsii i menedjmenta, EKOVYeST, 2016.

4. Galitsa A. Innovatsionniy konsern kak integralnaya forma organizatsii biznesa // Ekonomist. - N 11. 2011. S. 27-34.
5. Ekonomicheskaya strategiya firmi: Uchebnoye posobiye /Pod red. Gradova A.P. – SPb, Spetsialnaya literatura, 2008. – 425 s.
6. Porter M. Konkurensiya. : Per.s ang. M. : izdatelskiy dom «Vilyams», 2003.
7. Dundon Elaine. The seeds of innovation. — AMACOM, American Management Asso- ciataion, 2005
8. Rubin Yu.B. Teoriya i praktika konkurensii. / Moskovskiy gosudarstvenniy universitet ekonomiki, statistiki i informatiki. – M., 2004 – 428 s.
9. Dashkevich O. Biznes-sreda i predprinimatelskaya aktivnost.// Institut privatizatsii i menedjmenta, EKOVYeST, 2006.
10. The small business economy./ Report to the President by U.S. Small Business Administration // Small Business Administration. 2014. 160 c.
11. Abisheva A.V. Finansovaya infrastruktura malogo predprinimatelstva: regionalniy aspekt / A.V. Abisheva, L.V. Dragunova // Naukovedeniye. - 2017. - T. 9, №2(39). - S. 1-6.
12. Dubkov O.D. Meri gosudarstvennoy podderjki malomu i srednemu biznesu // Alleya nauki. - 2018. - T. 3, №5(21). - S. 724-730.
13. Nasibulina V.P. Maliy biznes i sistemnie problemi, tormozyaщiye razvitiye malogo biznesa / V.P. Nasibulina, M.N. Jatikova // Nauka Krasnoyarya. - 2017. - T. 6, №1/2. - S. 224-233.
14. Ratner, Svetlana. Maloye i sredneye predprinimatelstvo v Kanade / Svetlana Ratner. - Moskva: Mir, 2014. - 112 c.
15. Verbus V.A Osharin A. Quality matters: Monopolistic competition with heterogeneous consumers. Ekonomicheskaya Politika. Volume 14, Issue 3, 2019, Pages 152-175.
16. Bernard A.B., Bradford Jensen J, Redding, Firms in international trade. Journal of Economic Perspectives. Volume 21, Issue 3, June 2007, Pages 105-130
17. Byun S., Han S., Kim H., Centrallo, C. US small retail businesses' perception of competition: Looking through a lens of fear, confidence, or cooperation. Journal of Retailing and Consumer Services. Volume 52, January 2019.
18. Bergen M., Peteraf M.A. Competitor identification and competitor analysis: A broad-based managerial approach. Managerial and Decision Economics. Volume 23, Issue 4-5, June 2002, Pages 157-169
19. Barney J. Firm Resources and Sustained Competitive Advantage. Journal of Management. Volume 17, Issue 1, March 1991, Pages 99-120.
20. Гулямова Г. П., Бабанова Ю. В. СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМА РЕГУЛИРОВАНИЯ ПРОЦЕССОВ ФОРМИРОВАНИЯ КОНКУРЕНТНОЙ БИЗНЕС-СРЕДЫ //ЭКОНОМИКА И ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ, ТЕНДЕНЦИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ. – 2019. – С. 49-54.
21. Гулямова Г. П. ФОРМИРОВАНИЕ КОНКУРЕНТНОЙ БИЗНЕС СРЕДЫ В УЗБЕКИСТАНЕ //Фундаментальные и прикладные научные исследования: актуальные вопросы, достижения и инновации. – 2017. – С. 66-69.
22. Sadiqova, Ra'no (2018) "FOREIGN PRACTICE OF FORMING COMPETITIVE ENVIRONMENT IN SMALL BUSINESS," The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 21. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2018/iss1/21
23. Isadjanov, Abduvali (2018) "THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT GOALS: PRIORITY DIRECTIONS AND ACTUAL TASKS," The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 20. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2018/iss1/20
24. Батирова Н. ПРОЦЕСС ПРОМЫШЛЕННОСТИ И ЕГО ПЕРСПЕКТИВЫ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН //Theoretical & Applied Science. – 2017. – №. 8. – С. 12-18.
25. LAW O. F., PROLEMS I. O. F. Section 11. Science of law //European Journal of Humanities and Social Sciences. – С. 174.